Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
13 ИЮНЬ, 1969 Й
ЖУМА
№ 138 (902).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

◆ *Янги лойиҳалар*

ЯНГИ ФАБРИКА

Қадимий Бухоро жаҳонга ўзининг тарихий обидалари билангина эмас, балки зардўз ва мисгарлари, заргарлари, наққошлари, ўймакорлари билан ҳам танилган.


Ҳозирги вақтда Бухородa ўзбек миллий кийимлари, айниқса хотин-қизлар кийими, дўппи, нимча, чувак, эркаклар учун зар тўн каби қатор буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда зардўзлик фабрикаси ишлаб турибди.

Заршунос чеварлар маҳсулотига Иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам талаб катта. Заршунослар тилла ва кумуш суви юритилган ипаклар билан бахмалдан янги-янги замонавий нусхада гулдор буюмларни тайёрламоқдалар. Бухородa яқин келажакда замонавий, барча қулайликларга эга бўлган зардўзлик фабрикаси қурилади.

Унинг лойиҳасини Тошкентдаги 4-Иттифоқ лойиҳа институти инженерлари ишлаб чиқмоқдалар.

Янги фабрика шаҳардаги мавжуд биноларга путур етказмасдан Калон минорасн яқинида қурилади. Бўлажак фабрика йилига 4000 та зар дўппи, 16000 жуфт пойафзал, 52000 та қийиқча, 33000 сўзана, 33000 та эшик пардалари ва шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Д. РАҲМОНОВ,
инженер.



СУРАТДА: монтажчи Валерий Волобуев. У «Ташгекстильмаш» заводи йигув цехининг тажрибали зарбдор ишчиларидан бири.

Фарзандларимизга мактаб формалари

«Юлдуз» тикувчилик фирмаси коллективи катталар билан бир қаторда фарзандларимиз учун ҳам кийим-кечак тикиб чиқармоқда. Улар тайёрлаган мактаб формалари кўпчиликка манзур. Ўтган беш ой давомида ҳам фирма бу сохала маълум ютуқларни қўлга киритди. Масалан, планда кўрсатилган 22505 ўрнига 23370 та фартук, пландаги 69293 ўрнига 70193 та ипак кўйлак, 38483 дона ўрнига 38556 та болалар костюми ишлаб чиқарди. Аҳил коллектив йил охиригача яна бир неча минг дона мактаб формаси ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

* * *

Енгил саноат министрлигига қарашли 3-тикувчилик фабрикаси ҳам бу соҳада маълум ютуқларни қўлга киритмоқда. Фабриканинг 2-цехида кичик ва катта ёшдаги ўқувчи қизлар учун ҳар ойда 26—27 мингга етказиб мактаб формаси тикилмоқда. Пил охиригача фабрика 290 минг дона кўйлак, 36 минг фартук тикишни планлаштирган.

ҚАҲРАМОН СТАНОГИДА


Октябрь революцияси номли заводнинг ветеран ишчилари социалистик мажбуриятни бажаришда янгидан-янги ютуқларга эришяптилар.

Шу завод токари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдушукур Қодиров ойлик топшириқларини мунтазам ошириб бажариб, номи корхона рўйхатига абадий битилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов станогида ишлаш ҳуқуқига эга бўлди. Меҳнат ветерани беш йиллик шахсий топшириғини Лениннинг юз йиллик юбилейигача бажариш ва уч шогирдга токарлик маҳоратини ўргатиш мажбуриятини олди.

Янгра созим

Тошкентдаги миллий музика асбоблари фабрикасининг коллективи ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, социалистик мусобақани тобора авж олдирзётир. Улар мижозларининг буюртмаларини ўз вақтида адо этмоқдалар. Шу кунларда фабрика ишчилари Туркманистон республикасининг масъулиятли буюртмасини бажаряпти. Корхона коллективи кўшни республикага 7 мингга яқин музика асбоблари жўнатади. Улар орасида дутор, доира, чанг, рубоблар ҳам бўлади.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА







Тошкент пилла ипаклик фабрикасининг заршунослари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш ҳамда бу йил плиндан ташқари 30 метр ипак газлама тайёрлашга етадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фидокорона меҳнат қила ётирлар. Бундан ташқари улар 1000 килограмм қимматбаҳо хом ашё тежаш мажбуриятини ҳам олганлар. Ҳозир корхонанинг барча цех ва участкаларида меҳнат авжида.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан) ўзининг смена ва ойлик топшириқларини 1,5 баравар адо этаётган зарбдор автоматчи, коммунистик меҳнат зарбдори Зебо Тешабоева.

◆

Тажрибали ишлаб чиқариш бошлиғи Михаил Бенямннов ёш ишчи комсомол аъзоси Насиба Содиқова тайёрлаган маҳсулот сифатини кўриб ниҳоятда мамнун бўляпти.

◆

Шу корхонада кўпдан буён баракали меҳнат қилиб, кўпгина ёш қизларга ҳунар ўргатаётган моҳир автоматчи Манзура Шарипова.

М. Нурмдинов фотолари.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР НИНГ ХАЛҚАРО ҚЕНГАШИДА

Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши 12 июнда ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда Цейлон Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Х. Г. С. Ратнавира раислик қилди. Кенгаш қатнашчилари Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматига табрик телеграммасини яқдиллик билан қабул қилдилар. Сўнгра харбий-фашистик диктатурага қарши курашаётган Греция коммунистлари ва демократлари билан бирдамлик Баёноти қабул қилинади.

Мажлисда раислик қилаётган ўртоқ Х. Г. С. Ратнавира Кенгаш адресига Совет Иттифоқи колхоз ва совхозлари, завод ва фабрикалари коллективларидан, партия ва жамоат ташкилотларидан, Кенгашни табриклаб ва унга муваффақиятлар тилаб ёзилган кўпсонли хатлар олинганини делегацияларга маълум қилди. Кенгаш барча совет граждапларига ва ташкилотларига уларнинг илиқ табрик ва истаклари учун миннатдорчилик изҳор қилади.

Эрталабки мажлисда Кенгаш кун тартибида турган масалаларни муҳокама қилишда АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Г. Холл, Швеция коммунистлари — Сўл партияси Раисининг ўринбосари ўртоқ Л. Веснер, Судан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ А. Х. Маҳжуб, Бельгия Коммунистик партиясининг Раиси ўртоқ М. Дрюмо, Коста-Рика Халқ авангарди партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. Мора қатнашдилар.

Кечки мажлис Ғарбий Берлин Социалистик ягона партиясининг Раиси ўртоқ Г. Даниелус раислигида ўтди. Мажлисда Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий советининг Раиси ўртоқ Ш. А. Данге, Буюкбритания Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Ж. Голлан, Гваделупа Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Э. Жен сўзга чиқдилар.

БЕЖИРИМ ПОЙАФЗАЛ

— Қора амиркондан хотин-қизларга атаб янги моделда пантолетлар ишлаб чиқарила бошланди. — Бу — биринчи пойафзал фабрикасида йил бошидан буён ишлаб чиқаришга тавсия этилган 24-янги моделдир, — дейди фабрика бош инженери С. Мурунов.

«Обувторг» базалари ҳамда республика матлубот жамиятининг районлараро базалари бу бежирим пойафзалларнинг дастлабки харидорлари бўлишди.

Бугун контейнерларга жойланган катта партиядаги амирконпантолетлар бошқа моделдаги пойафзаллар билан биргаликда республикамизнинг турли шаҳарларига юборилди.

Пойафзалчилар ёз мавсумида 15 минг жуфтдан ортиқ шундай пойафзаллар тайёрлаб республикамизнинг Бухоро, Термиз, Фарғона, Андижон каби шаҳарлари аҳолисига юборадилар.

ҚУРИЛИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАБ

Бугун Ленин орденли Бутуниттифоқ «Гидропроект» лойиҳа-қидирув институтининг Ўрта Осиё бўлими мажлислар залида илмий-ишлаб чиқариш конференцияси ўз ишини тугалланди. Бу конференция ҳозирги замон инженерлик геодезияси ва саноат ҳамда граждан қурилишларининг сифатини яхшилаш масалаларига бағишланган эди.

Унинг ишида лойиҳа қидирув институтларининг, қурилиш-монтаж ташкилотларининг, Тошкент шаҳар Совети архитектура-планлаштириш ишбошқармаси, Тошкент политехника институти, Тошкент Давлат университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ва техникумларининг кўплаб вакиллари иштирок этдилар.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ХХР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИГА НОТАСИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи ишлар министрлиги Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигига қуйидагиларни маълум қилади:

ХХР Ташқи ишлар министрлиги эълон қилган нотасида шу йил 10 июнь куни Совет—Хитой чегарасининг Тасти дарёси (Семипалатинск области) районида содир бўлган воқеаларни қўпол равишда бузиб кўрсатди.

Ҳақиқатда воқеа қуйидагича бўлган эди.

1969 йил 10 июнда Хитой маъмурлари шу райондаги Совет—Хитой чегарасида янги игвогарлик уюштирдилар.

Хитой маъмурлари навбатдаги бу авантюрани ниқобламоқ учун илгари бўлгани сингари қўй подаси хайдаган чорвадорлардан фойдаландилар.

10 июнь куни соат 18 да қўй подаси хайдаган Хитой граждани шу районда Совет чегарасини кесиб ўтиб, СССР территориясининг ичкарисига 400 метр кириб борди. СССР территориясига яширинча бостириб кирган бир группа Хитой ҳарбий хизматчилари чегара бузилишига мадад бериб турдилар.

Совет чегарачилари чегара бузувчидан Совет территориясидан чиқиб кетишини талаб қилганларида Хитой ҳарбий хизматчилари Совет чегара посбонларига қарата тўсатдан автоматлардан ўт очдилар. Совет чегара посбонлари ўзларини ҳимоя қилиш учун жавоб ўти очишга мажбур бўлдилар, шундан сўнг чегара бузувчилар СССР территориясидан чиқиб кетдилар.

Хитой нотасида гўё Совет томони танклар ва бронетранспортерлар ишлатди, деган гапларга келганимизда буларнинг ҳаммаси игвогарлик мақсадларини кўзловчи беҳуда уйдирмадир.

СССР Ташқи ишлар министрлиги чегарачиларининг мазкур участкасида Хитой маъмурларининг аниқ-писизлик билан қилган хатти-ҳаракатлари хусусида шу йил 4 май куни ХХР Ташқи ишлар министрлигига берган нотасида қаттиқ огоҳлантирганлигига қарамай, Хитой томони бундан ўзига зарур хулосалар чиқариб олиш у ёқда турсин, чегараларнинг шу участкасида аҳволни янада чигаллаштириш йўлидан борди. Унинг шу йил 10 июндаги хатти-ҳаракатлари шундан далолат беради.

СССР Ташқи ишлар министрлиги Хитой маъмурларининг шу янги авантюраси хусусида ХХР ташқи ишлар министрлигига қатъий норозилик билдириб, Совет—Хитой чегарасининг Тасти дарёси районидаги участкасида кескинликнинг зўрайтирилишига барҳам бермоқ учун таъсирли чоралар кўришини талаб этади.

Хитой маъмурлари қилган игвогарлик ҳаракатларини н г жиддий оқибатлари учун масъулият бутунлай Хитой томони зиммасига тушади.

Москва, 1969 йил, 11 июнь.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР КЕНГАШИНИНГ БАЁНОТИ

75 коммунистик ва ишчи партиянинг Москвада тўпланган вакиллари терроризмнинг яна кучайтириб юборилганлиги, грек коммунистлари, демократларининг ва ҳунтага душман бўлган бошқа кишиларнинг суд орқали қаттиқ таъқиб этилаётганлиги, кўплаб қамоққа олинаётганлиги ва азобланаётганлиги туфайли дарғазаб бўлишди.

АҚШ империалистлари ва НАТО агрессив блокининг ёрдами билан реакцион ҳарбийлар томонидан грек халқига мажбуран қабул қилдирилган диктаторлик режими Грециядаги демократик кучлардан ва, аввало, ўз Ватанининг озодлиги, мустақиллиги ҳамда бахтли истиқболи учун изчил курашувчи коммунистлардан шафқатсизлик билан ўч олмоқда.

Коммунистик ва ишчи партиялар Кенгашининг қатнашчилари ҳарбий фашист диктатурасига қарши курашаётган грек коммунистлари ва демократлари билан қардошларча бирдам эканликларини изҳор қиладилар. Кенгаш барча мамлакатлардаги кенг меҳнаткашлар оммасини, демократик ва прогрессив кучларни репрессияларнинг тўхтатилишини ва Грециядаги барча сиёсий маҳбусларнинг дарҳол озод қилинишини қатъий талаб этишга чақиради.

МОСКВА,
1969 йил 12 июнь.

Бизнинг интервью

ОЙДИН САҲИФА

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАРДОШЛИГИ, БИРОДАРЛИГИ МАВЗУСИ БАРЧА САНЪАТКОРЛАР СИНГАРИ КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРНИ ҲАМ ҚИЗИҚТИРАДИ. ШУ КУНЛАРДА «ЎЗБЕКФИЛЬМ» ВА УКРАИНАНИНГ ДОВЖЕНКО НОМЛИ КИНОСТУДИЯЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ИККИТА БАДИЙ ФИЛЬМ ЎЗБЕК ВА УКРАИН ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС ДЎСТЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ. МУХБИРИМИЗ ШУ ФИЛЬМЛАРНИНГ РЕЖИССЕРЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ:

Виктор ИВАНОВ,
Довженко номли киностудиянинг кинорежиссёри

Санъаткор ўз томошабинига манзур бўладиган асарлар яратиш йўлида кўп изланади. Унинг хзёлларини чулғаб олган ғоялар, мавзулар, воқеалар замирида одамларнинг, халқларнинг тақдири туради. Мен илгари бир неча фильмлар яратганман. Уларда олдинга сурилган фикрлар кишиларимизнинг ҳаётдаги ўрни билан боғлиқ.

Кейинги пайтларда ўзбек ва украин халқларининг қардошлиги, дўстлиги ҳақида кертина яратиш фикри туғилди. Икки халқнинг дўстлиги ҳақида гап кетганда кўп нарсаларни айтиш мумкин. Ўзбек халқининг йигитлари украин тупроғида фашист босқинчилари билан мардона курашганлар. Тошкент зилзиласидан кейин барча халқлар қатори украинлар ҳам ёрдам қўлини чўзганини йўлга чиқишган.

Мен суратга олаётган «13 терак» номли фильм воқеалари Тошкентда украин бинокорларининг бунёдкорлик ишлари воқеалари асосида қурилган.

Урни келганда бир гапни айтиб ўтиш лозим. Зилзила оқибатларини тугатиш жуда улкан иш. Лекин ўзбек ҳамкасбларимиз шу ҳақда бадиий фильм яратишга киришмаганликлари бизни таажжублантиради. Режиссёр Малик Қаюмовнинг «Тошкент зилзиласи» ҳужжатли тўла метражли фильмини кўрдик. Жуда ажойиб фильм!

Мени фильм яратишга жазм этган нарса қардошлигимизни ойдинроқ ҳис этганим бўлса керак. Бундан 30 йилларча муқаддам Тошкентдаги ҳарбий мактаблардан бирида таълим олганман. Бу шаҳарнинг тузини тотиб, унинг фарзанди бўлганман.

Асар қаҳрамони — Остап. Унинг отаси ўзбек бўлиб, уруш йилларида фронтда украин қизига уйланади. У ҳалок бўлади. Туғилган болага Остап деб исм қўядилар. Бола вояга етиб ҳарбий хизматга боради. У ердан Тошкентга йўл олади. Мақсад отасидан қолган меросни топиш. Шу баҳона билан холасини излар экан ўзбек қизи билан учрашиб қолади. Кейин қиз билан ҳайрлашиб самолётда Киевга қайтиб боришн билан радиодан Тошкент зилзиласи ҳақидаги машъум хабарни эшитади. Шу ондаёқ ўша қиз — Мастуранинг ҳаётини ўйлайди! ва яна изига қайтиб келади. Қараса кўчалар вайрон. Мастурани «13 терак» кўчасидан излайди. Кўп сарсон бўлиб кишиларга ёрдам беришда кириша ди ва украин бинокорлари билан бир сафда ишлайди.

Шу воқеалар асосида зилзила фожиаси ва ўзбек халқининг матонати, қардошларнинг мадади тараннум этилади.

Сценарийни кинодраматург Холендра ижод этган. Фильмда постановкачи А. Нородицкий, оператор М. Ивзнов, рассом М. П. Рановский, композитор В. Гомаляко, артистлардан Вольков, Т. Аҳмедова, республика халқ артисти Т. Жаъфарова, Х. Юнусов ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Тошкентнинг бир қатор диқ қатта сазовор жойларида фильм суратга олинди.

Келгуси йилда экранларга чиқариладиган бу фильм қардошлигимизнинг ойдин саҳифаларидан бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Ҳабибулла ФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёри.

Ҳар бир санъаткор ўз ижодий йўлини топишда тинмай изланади. Мен яратган асарларда Ватанга бўлган муҳаббат, она ерни севиш, соф виждонли, чин муҳаббатли бўлиш сингари инсоний фазилатлар ҳақида гап боради.

Театрда яратилган «Тоғ қизи», «Абдулла Набиев» каби асарлардан катта қаноат олган эдим. «Канют Горнинг сири» фильмида ҳам ватаннинг чинакам содиқ кишилари образлари тасвирланган.

Ҳозирда яратилаётган «Қуёш билан қайт» фильми ҳам шу асосда яратилади. Зиннат Фатхуллин ўзбек халқининг қаҳрамон фарзанди Қудрат Суюновнинг жасорати ҳақида сценарий ёзди.

Қудрат Суюнов Улуғ Ватан уруши йилларида Украинанинг пойтахти Киевни озод қилишда мислсиз қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. У Киев остоналарида душман дзотининг чақагини ўчириш учун бутун вужуди ва гавдаси билан истеҳкомнинг оғзига ёпирилади. Душман отишдан тўхтайди. Орқадаги ўн минглаб жангчилар атакага ўтиб, Киевни озод этишга ёпирилдилар. Мен Киевга борганимда қишлоқларда бирида ўзбек йигитининг қаҳрамонлиги ҳақида бир талай яхши гапларни айтиб беришди.

Сценарий авторн билан асар устида икки йил ишладик. Фильмда Қудратнинг мактабдаги, меҳнат қучоғидаги даври ва ниҳоят уруш йилларида кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Албатта Қудратнинг чинакам соҳибқирон бўлишида рус дўсти Сорокин, украин ўртоғи Горабетс каби жангчиларнинг хизматлари ҳам бор.

Улуғ Ватан уруши йилларида совет жангчиларининг бундай дўстлиги ҳақида ҳарканча гапирилса ҳам озлик қилади.

Фильмда иштирок этувчи артистлар танланмоқда. Фильм Шоҳимардон, Бухоро, Тошкент, ярмидан кўпи Киевда суратга олинади. Киевда бизга Довженко номли студиядаги дўстларимиз ёрдам беришади деган умиддамиз.

Фильмни яратиш устида санъаткорлардан оператор Дилшод Фатхуллин, рассом В. Добрин, овоз оператори Н. Шодиев, композитор Манас Левиев ишламоқдалар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновнинг ёркин сиймоси орқали биз украин ва ўзбек халқларининг оғаларча қон қардошлигини мадҳ этиш ниятидамиз.

Суҳбатни ёзиб олувчи
А. ПЎЛАТОВ.



СУРАТДА: Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновнинг синов роли.



«13 терак» фильмини суратга олиш пайти. М. Нуриддинов фотоси.

„Тошкент оқшоми" почтасидан

Редакциямизга ҳар куни газетхонлардан ўнлаб хатлар келиб турибди. Улар ўз корхоналарида, турар-жойларида бўлиб ўтган янгиликлар, ҳамкасбларининг ажойиб ишлари ҳақида хабар қиладилар. Шунингдек, кўз олдиларида содир бўлаётган баъзи камчиликлар тўғрисида ёзиб, бу камчиликларнинг бартараф этилишига кўмаклашадилар.

Бугун биз оқшомхонларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланган навбатдаги саҳифани эълон қилаётирмиз.

•Ишчи ўз ҳамкасблари ҳақида

МУНОСИБ СОВҒА

3-йигирув фабрикасида меҳнат қилаётган Илёс Музаффаров, Усмон Гараев, Анвар Маҳмудовлар номини коллектив фахр билан тилга олади. Чунки, улар цехда гувиллаб ишлаб турган 231 та йигирув машинасига зарур бўлган найчаларни етказиб туришади. Машиналарга 10 хил найча ишлатилсада, улар ихтиёридаги бironта ҳам машина найчасиз тўхтаб қолмайди.

Ип фабрикасидан сменада 150 яшик найчани конвейер усулда цехга жўнатилмоқда.

Сменада йигирув машиналаридан 300 га яқин халта олинади. Шундай пайтлар ҳам бўладики, машина учун зарур найчалар запаси тугаб қолади. Шунда азаматлар аравачалар билан қўшни фабрика ёки комбинат складига борib найчаларни келтиришади.

Улар зарбдорларча ишлаб, конвейер йўлини ҳушёрлик билан кузатиб туришади. Агар конвейердаги ғилдиракчалар жойидан чиққан бўлса, конвейерни тўхтатиб, авариянинг олдини олишади.

Конвейернинг ишга туширилганига 5 йил бўлди. Илгари ҳамма ишлар қўлда бажарилар эди. Лекин азаматлар қийинчиликларни ҳам мардонавор енгиб меҳнат қилишди.

Механизация туфайли йигирув цехи энди сменада қабул қилиш пунктига 7-8 тонна халта ип топширмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, сўнгги йилларда 20-30 одам ишга кириб, олти ой-бир йил ишлаб бўшаб кетди. Лекин халта ташувчи И. Музаффаров, У. Гараев, А. Маҳмудовларнинг йигирув цехида ишлашаётганига 20 йилдан ошди.

3-йигирув фабрикасининг коллективи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида жонбозлик кўрсатяпти.

Илғор коллектив май ойида пландан ташқари 320 тонна юқори сифатли халта ип йигириб топширди.

Ю. ТОЛИПОВ,
тўқимачилик комбинати ишчиси.

ҚУВНОҚЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Бахтиёр ўқувчиларимиз ёзги каникулни хушчақчақ ва кўнгилли ўтказмоқдалар. Ҳозир Киров районидаги 10 та мактаб лагерида 1000 дан ортиқ бола дам олиб, ёз гаштини сурмоқда.

Райондаги 20, 37, 43, 58, 63, 98, 105 ва 174-мактабларда ташкил этилган пионер лагерларида намунали ишлар олиб бориляпти. Бу мактабларнинг тарбиячилари, ўқитувчилари ва бош пионер вожатийлари ўқувчилар билан турли мавзуларда адабий кечалар, конференциялар, эрталиклар ўтказишмоқда.

Шаҳримиздаги «Восток-2» ва Мичурин номли пионер лагерларида ҳам болаларнинг ёзги дам олиши гоят шодиёналик билан бошланиб кетди. Бу пионер лагерларида мавсумда 2 мингдан зиёд ўқувчи дам олади.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.

Газетхон сурати



Бу суратни фото мухбир Р. Ткач йўллаган. 6-музика мактабининг биринчи синф талабаси Мавжуда Сандова фортепьянода машқ қилмоқда.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНИ

ТУСАТДАН механика йигирув цехида бахтсизлик рўй берди. Съёмниклар тайёрлаш участкасида пресслаш станоги ишчиси Нурбек Ҳафизовнинг чап қўли қаттиқ шикастланди.

Тезда ёрдам берилмаса хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Медицина-санитария қисмининг ҳамшираси Дариконинг биринчи тиббий ёрдами туфайли бармоқдан оқаётган қон тезда тўхтатилди ва «Тез ёрдам» машинаси чақирилди.

Дарико ишлаётган медицина-санитария қисми завод-нинг 2, 3, 15, 31-цехлари ҳамда бош лаборатория, техника назорати бўлими ишчиларига ёрдам кўрсатади.

Дариконинг ёрдами, ташаббуси билан цехларда медицина темаларига онд лекция ва суҳбатлар уюштирилиб турилади.

Дариконинг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги, ўз ишига меҳр билан қараши ҳаммага ўрнак.

Ана шу фазилатлари учун Дарико Ҳўжаева ишчиларнинг саломатлигини чинакам посбонига айланган.

А. АШУРОВ,
«Ташсельмаш» заводининг ишчиси.

ТАШНА АРИҚЛАР

Бир вақтлар «Янги ҳаёт» маҳалласи Октябрь районидаги маҳаллалари ичида энг сersув ҳисобланарди. Ариқлардан зилол сувлар шарқираб оқиб кишининг баҳри-дилини очарди. Хўш, эндичи? «Янги ҳаёт» маҳалласида бутунлай бошқа манзараннинг гувоҳи бўласиз. Шу кунларда маҳалланинг деярли ярмидаги ариқлардан сув бутунлай оқмай қўйди. Бундан уч-тўрт йил илгари 2-шаҳар болалар касалхонаси ёнидаги Собир Раҳимов кўчасига қувур ётқизилган эди. Ана шу қувурни Октябрь район коммунал хўжалиги бўлими хизматчилари тозалаб бераман деган ваъдани беришган эди. Бироқ, ваъда ваъдалигича қолиб кетди. Бунинг устига-устак, юқумли касалликлар касалхонаси маҳалла территориясига ўтувчи ариқ устига иморат қуриб, бизни сувсиз қолдирди.

Ўтган йили маҳалла аҳли ўз кучи ва маблағи билан янги ариқ очдириб, маҳаллага сув келтирган эди. Бироқ, икки-уч кун оқкан сув таққа тўхтаб қолди. Шу кунларда ҳам аҳвол узгаргани йўқ.

Ҳовли ва кўчаларимиздаги кўчатлар, дарахт ва гуллар сувсиз қовжираб ётипти. Маҳалла комитети ҳам аҳолининг ҳақли талабига эътибор бермаяпти. Биз Октябрь район коммунал хўжалиги бўлимидан мавжуд аҳволни тузатишларини илтимос қиламиз.

Маҳалла аҳолиси номидан:

И. УСМОНОВ,
алоқа ходими.

СКАМЕЙКА-АНҚОНИНГ УРУҒИ

Чорсуда сўлим хиёбон бор. Аммо у ерда бир зум ўтириб, хордиқ чиқараман десангиз, кимдир сизга: «Ўтирманг, кўчатларни босманг», — дейди, албатта. Бу ҳақли талаб. Аммо хиёбонга скамейка қўйишни ҳеч ким ўйламаяпти.

Наҳотки, бозорга келиб-кетаётган қариялар, минг-минглаб меҳнаткашлар хиёбонда тик туриб дам олишса?! Бу ерга беш-ўнта скамейка қўйиш шунчалик амри маҳолмикан?!

О. ДЎСТЖОНОВ.

АСАЛНИНГ ОЗИ ШИРИН

Студентлар шаҳарчасига келган киши бу ернинг обод, нўналамзор ва хушҳавосидан баҳра олиб, қулфи-дили очилиб кетади.

Лекин шу гўзал шаҳарчада истиқомат қилаётган баъзи студентлар дўстларимиз радио ва магнитофонлардан нотўғри фойдаланишаётгани кишини ранжитади. Бу ердаги ётоқхоналар олдидан қачон ўтманг, радио ва магнитофонларнинг кучли, хилма-хил овозларидан қулоқларингиз қоматга келади. Бундай овозлар нечаси соат 3-4 гача ҳам тинмайди.

Бизнинг фикримизча, бу одобдан эмас. Куй-қўшиқ тинглаш, маданий ҳордиқ олиш ҳам ўз вақтида, ўз меъёрида бўлиши керак. Халқимиз, асалнинг ҳам ози ширин, деб бежиз айтмаган, ахир!

Кечаси алламаҳалгача радио ва магнитофонларини қичқиртириб қўювчиларни тартибга чақириш керак.

К. АБДУҲАКИМОВ,
студент

ПРЕЗИДЕНТ — ФАХРИЙ МИЛИЦИОНЕР

ЙЎЛДОШ Охунбобоев 1925 йил 26 май куни имзо чеккан 3864-ҳужжатда Ўзбекистон милицияси ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Милиция — жамият санитари» деган китоб нашр этиш ҳақида фикр юритиладн. Китоб чиқаришдан мақсад милиция ходимлари обрўсини янада кўтариш эди. Китобга қуйидаги мақолаларни киритиш мўлжалланган: «Ўзбекистон милицияси», «Милиция — жамият санитари», «Милициянинг босмачиларга қарши курашдаги роли», «Милициянинг ҳаёти ва турмуши», «Справка бўлими», «Анкеталар бўлими».

Мазкур ҳужжатнинг бир нусхаси ҳозир Марғилондаги Охунбобоев мемориал музейида сақланмоқда.

Йўлдош Охунбобоев Туркистон милициясини кўнгиллилардан ташкил этишни таклиф қилган эди. У келиб чиқиши соф бўлган кадрлар танлаш керак деб таъкидларди В. И. Ленин ҳам милицияни табаррук ҳисоблаган, соф виждонли кишиларгина унинг сафларида туриши мумкин деб кўп марта уқдирар эди.

Милиция Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида барча мушкулотларни ўз зиммасига олди. Милиция қаршисида Октябрь ғалабасини ҳимоя қилиш, мамлакатда революцион тартибни мустаҳкамлаш, Совет ҳокимиятн томонидан ўрнатилган жамоат тартибининг бузилишига йўл қўймаслик каби жиддий вазифалар турар эди.

Бундан қирқ йил илгари 1919 йил ёзида бўлган воқеа кўпчиликнинг ёдида қолган. Марғилон шаҳрига оқшом кўнган, пахса деворлар кун бўйи қуёшдан ютган ҳароратини тор кўчаларга уфуриб турар эди. Худди шундай тор кўчаларнинг бирида бир тўда қуролли бандитлар Қизил Армиячиларга ҳужум қилиб қолишди.

Милиционер Гофиржон Болтабоев билан яна 25 Қизил гвардиячи ўзларидан анча кўпроқ душманга қарши жангга киришдилар.

«Қўшчи» союзининг раиси Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан ташкил этилган Марғилон милициясининг отлиқ отряди бундай жангларда кўп бўлди. Улар Мадаминбек каллакесарларига қарши кўп марта жанг қилдилар.

Кунларнинг бирида бир группа милиция ходимлари душман қароргоҳига разведкага борадиган бўлишди. Улар орасида Йўлдош Охунбобоев билан Н. В. Суцепин ҳам бор эди. Йигитлар ярим кечада секин душман ичига кириб бордилар. Улар бир томони гўристон, бир томони пахса девор билан тўсилган жойдан ўтишаётганида ўқ овози эшитилди. Н. В. Суцепин Охунбобоевни туртиб ерга ётдарди-ю, ўзи гўристон томонга қараб ўқ уза бошлади. Ўша пайтда Н. В. Суцепин бўлажак Ўзбекистон президентининг ҳаётини сақлаб қолганини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Яқинда биз Николай Васильевич Суцепин билан учрашиб қолдик. Ўша йиллар ҳақида суҳбатлашдик. Николай Васильевич менга Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Раиси Охунбобоев 1938 йил 19 ноябрда имзо чеккан 13123 номерли ҳужжатни кўрсатди. Унда шундай сўзлар ёзилган эди. «... Суцепин Н. В. 1917 йилдан 1924 йилгача мен билан (И. Охунбобоев) биргаликда Марғилон уездидаги босмачи тўдаларига қарши кўнгилли партизан дружиначилар сафида актив курашди.. »

Ўша пайтда милиция ходимлари унга шундай телеграмма юбордилар. «Зарафшон область милицияси ўз ҳужматини изҳор қилиб, Йўлдош Охунбобоевни Фахрий милиционер этиб сайлади». Охунбобоев юборган жавоб телеграммасида бундай дейилади: «Мени область фахрий милиционери қилиб сайлаганликларингиз учун раҳмат. Шу билан биргаликда Зарафшон милицияси Октябрнинг мустаҳкам қўрқчилари бўлиб қолади деб умид қиламан».

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси Йўлдош Охунбобоев олдиндан бошорат қилиб айтган гаплар тасдиқланди

А. АРХАНГЕЛЬСКАЯ,
СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкентдаги Олий мактаби ўқитувчиси.

Газетхон сурати

Депо деганда кишининг кўз ўнгига металл ҳамда турли машиналар келиши табиий. Аммо ундай эмас. Масалан, Тошкент тепловоз депоси цехларида турли-туман ўсимликлар ўстирилмоқда. Фото мухбир В. Ломовцевнинг мана шу сурати бундан дарак бериб турипти.



«ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИ»

Пойтахтимизнинг Чилонзор районидаги 126-ўрта мактабда «Оилада бола тарбияси» мавзусида кеча бўлиб ўтди.

Қизиқарли ва мазмунли ўтган бу кечада таниқли педагог Р. Усмонов, мактаб директори С. Раҳмонова, илмий бўлим мудири Т. Одилбеков, Чилонзор район халқ маорифи бўлими инспектори А. Иброҳимов, ота-оналардан М. Азимов, М. Назаров ва бошқа ўртоқлар сўзладилар.

М. МУРТОЛИҚОВ.

КОМАНДИР

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети Президиуми номидан бир гуруҳ халқ дружиначиларини «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали билан тақдирлади. Муносиб хизматлари эвазига мукофотланганлар орасида 2-ғишт заводлар бошқармаси қошидаги дружиначилар штабининг командири Аъзам Мамаюсупов ҳам бор эди. Довюрак дружиначи ҳақида ўйлаганимиз, қуйидаги воқеа ёдимизга тушди.

Кечаси соат ўн бир. Катта тезликда келаётган автобус йўлнинг чеккарогига келиб тўхтади. Шу пайт қаердандир пайдо бўлиб қолган маст киши шофёр билан сан-манга бориб қолди. Маст шофёрга ўзини аллақаергадир элтиб қўйишни айтарди. Шофёр эса иши зарурлигини уқдириб, ундан узр сўрарди. Безори кутилмаганда шофёрга мушт қўтариб қолди. Кўнгилсиз воқеа содир бўлишига сал қолганда Аъзам Мамаюсупов бошчилигидаги икки нафар кўнгилли дружиначи пайдо бўлди, безорининг қўлларини орқасига қайириб штабга олиб жўнашди. Гуноҳсиз шофёр эса олий ҳимматдружиначиларга ташаккур, билдириб, йўлга равона бўлди...

Яқинда А. Мамаюсуповни кўриб қолдик. Биз у билан эски кадрдонлардек ҳол-аҳвол сўрашдик. Дружиначилар штаби командирининг кўкрагида «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали нур сочиб турарди.

— Мукофот муборак!— уни биз қизғин табрикладик.

У камтаринлик билан қисқача жавоб берди:

— Раҳмат...

Аъзам ака дастлаб ғишт заводига олдий ишчи бўлиб кирган эди. У ўз устида қунт билан ишлади. Кунлик нормаларини ошириб бажаришга ҳаракат қилди. Билмаганларини ўз ҳамкасбларидан ўрганди. Тиришқоқлик, меҳнатсеварлик унга шараф келтирди, мартабасини баланд қилди.

Штаб командири Аъзам ака кўнгилли дружиначилар отряди ташкил қилинган 1959 йилдан буён уни бошқариб келмоқда.

— Штабимизга,— дейди командир биз билан суҳбатда,— ҳозирги вақтда 27 дружиначи уюшган. Мақсадимиз тартиб бузарларнинг танобини тортиш, эл осойишталигини сақлаш.

Командир Аъзам ака кишиларни жондилдан севади. Майда безорилик қилиб юрган кишиларни қайта тарбиялашга ҳаракат қилади. Масалан 19 яшар Гена Новиков ҳеч қаерда ишламасди. Аъзам ака унинг яқиндан берган ёрдами туфайли ишга киритилди. Ҳозир у А. Мамаюсуповдан гоят миннатдор. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

2-ғишт заводлар бошқармаси ишчилар посёлкасининг аҳолиси командир Аъзам ака ва у раҳбарлик қилаётган дружиначилардан гоят миннатдор. Чунки кўнгилли дружиначилар аҳолининг осойишта яшашлари йўлида ҳормай-толмай хизмат қилмоқдалар.

Т. ЭРГАШЕВ,
К. ҲАМРОЕВ.

ТАЪЗИМ

Эттн яшар қизим Умида оғир дардга дучор бўлди. Мен уни зудлик билан Чилонзор районидаги 15-болалар касалхонасига олиб келдим.

Касалхонада беморни обдон текшириб кўришгач, унинг ҳаётини сақлаб қолиш қийин эканлигини, бироқ, нўлларидан келган ҳамма тадбирни кўришларини айтишди.. — Бахтимдан ўргилай, врачларнинг ҳаракати билан Умида ҳаётга қайтди. У ўзини яхши ҳис этяпти. Мен ана шу касалхонанинг нўп сонли врачларидан хурсандман.

Бош врач А. Абдусатторов, даволовчи врач Л. Детко, бош врач ўринбосари Л. Робинович ҳамда ҳамшираллар Н. Ҳафизова, М. Бобожоновалар олдида бир умр қўлим нўқсимда.

Санобар ЭШНИЁЗОВА,
кўп болали она. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

ҲОДИСА
ЖАСОРАТ

28 май куни кечқурун соат 7 да кекса большевик Саидмурод ота Тошхўжаев Қўйлиқдаги Боротхўжа анҳори бўйлаб кетаётганида, ёш боланинг чинқирган товушини эшитиб қолди. Унинг кўзи анҳорда қалқиб турган болага тушди. Ота дарҳол ўзини сувга ташлаб, болани қутқазиб қолди.

Ота 80 ёшда бўлиб, у отставкадаги милиция полковниги, шахсий пенсионер.

Ҳалокатдан қутқазилган бола уч яшар, унинг исми Фарҳод. Ленин районидаги Ефимов кўча 51-уйда яшовчи врач Маъмура Исаева-нинг ўғли экан.

Я. МАРДУХАЕВ,
хизматчи.



Охунбобоев майдони акс эттирилган бу суратни фотомухбир В. Исаков йўллаган.

СТУДЕНТЛАР МЕҲМОНИ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент чет тиллар педагогика институти француз ва испан тили факультети студентлари «Ватан ўғлонлари» кинофильмининг муаллифларидан бири Латиф Файзиев билан учрашдилар.

Кечада сўзга чиққан француз тили факультетининг II курс студенти Лолахон Ҳўжаева кинофильм тўғрисида илиқ сўзлар айтди.

Латиф Файзиев студентларга фильмнинг яратилиш тарихи тўғрисида гапирди. Сўнг у кино артистларимизнинг ижодий режалари тўғрисида ва яратилажак фильмлар ҳақида сўзлади.

Ю. СОБИРОВ.

НАФОСАТ КЎРГАЗМАСИ

НИЗОМИЙ номли Тошкент Давлат педагогика институтининг мажлислар зали фойеси одамлар билан ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда институт чизмачилик ва рассомлик факультети студентлари ижодидан иборат кўргазма ташкил этилган.

Мана. В. И. Ленининг буюк сиймоси Барельеф кишини ўзига тортади, узоқ вақт тикилиб қоласиз. Ленин сиймоси уч хил нафис ёғочдан тайёрланган.

Ўзбек халқ услубида ишланган бу санъат намунасининг ижодкори студент С. Қосимовдир. Бу ишга санъатшунослик фанлари кандидати П. Зоҳидов раҳбарлик қилган.

В. Қодиров ишлаган расм «Ҳамзаободда баҳор» деб аталади. Муаллиф ўзининг бу ишида рус ва ўзбек халқларининг босмачиларга қарши олиб борган курашини тасвирлаган. Расмни кўздан кечирган ҳар бир киши совет халқларининг дўстлиги оловли йилларда туғилиб, оловли йилларда мустаҳкамланганлигининг гувоҳи бўлади. Бу ишга республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю. Елизаров раҳбарлик қилган.

Кўпчиликнинг эътиборини жалб қилаётган ишлардан яна бири А. Абдураҳмонова ҳамда М. Тидраевлар томонидан нақш безаги услубида ишланган беш қиррали стол ва кўзалардир. Бу ишларда тасвирланган Навоийнинг ёшлиги, Ҳирот кўриниши кўпчиликнинг эътиборини жалб этмоқда.

Институт ёш рассомлари шу кунда бир стенд тайёрлашмоқда. У «В. И. Ленин образи тасвирий санъатда», деб аталади.

Биз ёш ижодкорларга муваффақиятлар тилаймиз.

С. ЎТАНОВ,
аспирант



Тошкент области. Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти участкасида агроном Наби Шокиров қулупнайдан мўл ҳосил етиштирди. Бу ердан тошкентликларга 8 тоннага яқин қулупнай жўнатилди.

СУРАТДА: агроном Наби Шокиров ва участканинг илғор ишчиси Дилором Муҳамедова. Х. Ҳайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ).

◆ *Китоблар оламида*

МУҲАББАТ

«Медицина фанлари кандидати Мурод Али саккиз ойдан бери ўлим тўшагида ана кетди, мана кетди бўлиб ётар, шаҳарнинг ман-ман деган тиб арбоблари унинг чақай-чақай деб турган жонини минг чора ва тадбир билан халқумида зўрга тутиб турибди эди.»

Ўзбек совет адабиётининг улкан арбоби, севимли ёзувчимиз марҳум Абдулла Қаҳҳорнинг «Муҳаббат» номли қиссаси ана шу сўзлар билан бошланади. Асар муқаддимасида айтилганидек, бу китоб, ривоят таъбири билан, айтганда ёзувчининг «оқ қуш қўшиғи—сўнгги навосидир. Асарда икки мусаффо қалб эгаларининг—Анвар ва Муҳайёларнинг севгиси, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтувчи оташин муҳаббати ёркин ва жозибали сатрларда куйлангандир.

Китобни Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

С. ҚЎЧҚОРОВ.

◆ *Театр ва томошабин*

ИЛК ҚАДАМЛАР

Комсомолнинг 50 йиллик қутлуғ тўйи арафасида шаҳримиз ёшлари ўз театрларига эга бўлдилар. Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри «Дийдор» спектакли билан илк бор ўзини томошабинларга танитди. Драматург Мақсим Қаримов асари асосида яратилган ана шу спектаклни кўрган ҳар бир санъат мухлиси, ёш театр дастлабки қадамидан бошлаб ўз услубига, овозига эга бўлишига интилмоқда, деган хулосага келган эди. Дарҳақиқат шундай бўлиб чиқди.

Ўтган етти ой давомида «Ёш гвардия» театри «Дийдор», «Ўн саккиз ёшлигим», (М. Қаримов асарлари); «Учинчи орзу» (Б. Бажек асари, Саид Аҳмад таржимаси); «Бахс» (Мар Байжиев асари. Эътибор Охунова таржимаси) спектакллари билан қанчадан-қанча ихлосмандлар орттирди. Ёшлар бу ерда намойиш қилинадиган спектакларни ҳаяжон билан кўрадиган, театрнинг Тўғон Режаматов, Ширин Азизова, Ҳасан Йўлдошев, Исамад Эргашев, Каромат Аъзамова, Азиза Бегматова, Тўрабек Содиқов, Доно Бобохонова каби санъаткорлари номини ҳурмат билан тилга оладиган, улар яратган образлар ҳақида бахслашадиган бўлдилар.

Театр шу кунгача тўққа қилган тўрт спектаклнинг ҳаммасини режиссёр Эргаш Мусаффоев сахнага қўйган. Бу спектакларнинг ҳар бири ҳақида талай илиқ гаплар айтса бўлади. Аммо биз фақат «Бахс» («Дуэл») дан олган баъзи таассуротларимизни бир томошабин сифатида қисқача баён қилмоқчимиз.

Қирғиз драматурги Мар Байжиевнинг «Бахс» («Дуэль») драматик новелласи кўплаб театр сахналарида, турли тилларда намойиш қилингач «Ёш гвардия»га етиб келди. Коллектив театрнинг бош режиссёри Эргаш Мусаффоев бошчилигида бу асар устида узоқ ижодий иш олиб борди. Ниҳоят премьера... Унга асар муаллифи Мар Байжиев ҳам таклиф қилинган.

Парда олдида бир қиз пайдо бўлади. Томошабинларга салом бергач, спектаклда ўзи, Азиз ва Искандар деган икки йигит ҳамда қандайдир бир қиз қатнашишини; воқеа Иссиқкўл қирғоғида бўлиб ўтишини айтади.

Парда очилди. Мовий Иссиққўл қирғоғи. Кўл чайқалади. Баланд осмондан турналар учиб ўтади. Нози турналарга, мени ҳам бирга олиб кетинглар; деб ёлворади.

Бахт, бахтиёрлик ҳақидаги бахс ана шу тариқа бошланади. Нози ким? Бир вақтлар у ширин орзулар қанотида қушдек енгил парвоз қилган. Санъаткор бўлишни истаб театрга боради... Бу ерда уни бир шахс ўз нафсига қурбон қилмоқчи бўлади. Кейин бу сулув қиз дўконга сотувчи бўлиб киради. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай икки минг сўм камомат чиқади. Унга ҳамкасби Искандар «ёрдамга келади, «қутқаради». Бундан бехад қувонган Нози унга бутунлай ўзини топширади. Аслида эса, ҳеч қандай камомат чиқмаган, қабих ниятини амалга ошириш мақсадида Искандар икки тўп бастонни яшириб қўйган эди.

Бутун орзу-умидлари барбод бўлган Нози Искандар билан Иссиқкўл бўйига «дам олгани» чиқибди...

Искандар ким? Бир вақтлар у ҳам ажойиб инсон бўлган. Қандайдир бир ноҳаклик уни бу йўлдан четлашишга, фақат ўз қайфи-сафосини ўйлайдиган одамга айланишига сабаб бўлган.

Асар қаҳрамонларидан бири Азиз Искандарга нисбатан бутунлай бошқа олам. Азиз денгизчи. У ўз бахтини кўпчиликнинг бахтида деб билади. денгизда ўнлаб одамларни ҳалокатдан қутқариб, ўзи оғир жароҳатланади. Умри тугаб бораётган бўлса ҳам фарёд чекмайди, афсусланмайди; аксинча. Нозининг кўзини очишга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, улар бахт ҳақида; бахтиёрлик ҳақида бахслашадилар. Азизнинг таъсирида аста-секин Нозининг кўзи очила бошлайди, кўнгли ёришади. Дунёда чин инсонлар борлигидан хурсанд бўладди. У Азизни ана шундай одам деб билади, унга ҳавас қилади.

Ҳа, чиндан ҳам «Бахс» спектакли чинакам бахт, бахтиёрлик ҳақида бахс. Уни кўрган ҳар бир томошабин асар қаҳрамонлари билан бахт ҳақида бахслашади, чинакам бахтиёрлик нима эканлигини билиб олади.

...Спектакль тугади. Томошабинлар Нози ролини юксак маҳорат билан ижро этган Ширин Азизовани, одамлар учун жон фидо қилган Азиз образини юксак эҳтирос билан яратган Исамад Эргашевни, Искандар қиёфасини бутун салбий ва жирканч хислатлари билан яққол намоён этган Тўғон Режаматовни, ҳатто: соддагина ҳамширани қиз қиёфасида намоён бўлган Азиза Бегматовани қизғин қутлашди.

Томошабинлар шундай ҳаяжонли спектакль ижодкори Эргаш Мусаффоевни, асар муаллифи Мар Байжиевни сахнага таклиф қиладилар, гулдасталар тутадилар.

Спектаклдан кейин биз драматург Мар Байжиев билан суҳбатлашдик. У ёш коллективнинг ана шундай бир ажойиб спектакль яратганидан беҳад хурсандлигини айтди.

Шу куни директор ўринбосари Мирсоат Усмонов билан ҳам суҳбатда бўлдик.

—Коллективимиз доимо изланишда,— деди у.— Бош режиссёр Эргаш Мусаффоев, бош рассом Садир Зиямуҳамедовдан тортиб oддий хизматчиларимизгача янгилик яратиш, коммунизм қуришда фаол қатнашаётган ёшларимизга маънур бўладиган спектаклдаю яратиш иштиёқида.

Ана шу йўлда «Ёш гвардия» га янада юксак парвоз тилаймиз.

У. ЮСУПОВ.

РАНГЛАР ИҚЛИМИ

Одам сўзлари

Уйимиз деворини бўяш учун ранг танлашда, парда учун қайси рангдаги материални олиш хусусида маслаҳатлашиб ўтирмаймиз, чунки ўзимизни бу соҳада билимдон деб ҳисоблаймиз. Бу соҳада бирор умумий тавсия бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Аммо шундай тавсиялар бор. Улар рангнинг инсон организмига таъсири проблемасини ўрганиб тузилган.

«Ранг ва инсон» проблемасини турли мутахассисликдаги олимлар ўрганишяпти. Улар орасида врачлар, физиологлар, ҳимиклар, физиклар, инженерлар бор. Чунончи Темир йўл гигиенаси илмий текшириш институтининг медицина фанлари доктори, профессор Е. Б. Рябкин бошчилик қилаётган лабораториясида инсоннинг кўриш-нерв аппаратига ва марказий нерв системасига рангларнинг физиологик таъсири билан боғлиқ проблемалар ўрганиляпти.

СССР педагогика фанлари академиясининг психология институтида ва Бутуниттифоқ техника эстетикаси илмий текшириш институтида рангнинг психологик таъсири проблемалари устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Рангларнинг ҳаётимиздаги роли, таъсири ҳақида «Наука и жизнь» журналида босилган мақолани қисқартириб, қуйида газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Ранг ҳар нарсага қодир

Ранглар инсон организмига, унинг нерв системасига актив таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш биноларини бўяш бўйича таниқли мутахассис, Франциядаги Техника эстетикаси институтининг асосчиси Жак Вьемо бундай ёзган: «Ранг ҳар нарсага қодир: у нур. хотиржамлик ва ҳаяжонни келтириб чиқара олади. У гармония вужудга келтириши ва ларзага солиши мумкин; ундан мўжизалар кутса бўлади, Аммо у, фалокатга ҳам олиб келиши мумкин».

Асрлар давомида тўпланган тажриба ҳам бу фикрни тасдиклайди. Қизил ранг ҳаяжонга солишини, кўк ранг хотиржам қилишини, қора ранг қайғули туйғулар уйғотишини қадим замонлардаёқ билганлар. Сариқ ранг эса кайфиятни яхшилайди. Рангларни қадим замонлардаёқ иссиқ ва совуқ рангларга ажратганлар. Ўрта аср врачлари баъзи рангларнинг сеҳри кучига ишониб, кўпгина касалликларни ранг терапияси билан даволамоқчи бўлганлар. Даволашнинг бундай усуллари ҳозир ҳам қисман сақланиб қолган. Масалан, баъзи француз врачлари руҳий касалларни деворлари махсус рангга бўялган хонага жойлаштириб даволайдилар.

Буюк рус психиатори ва невропати В. М. Бехтерев лабораториясида рангли ёруғликнинг психик жараёнларнинг ўтиши тезлигига таъсир қилиши аниқланган: узун тўлқинли ёруғлик психик жараённи тезлатиши, ўртача тўлқинлиги реакция тезлигини пайсайтириши қисқа тўлқинли ёруғлик кишини эзиши маълум бўлган. Мовий ранг киши асабини хотиржам қилган. Руҳан эзилган кишиларга эса оч қизил ранг фойдали таъсир қилган. Совет олимларининг тажрибалари анемия—кам қонлик касалига учраган болаларни даволашда қизил ранг фойдали эканлигини кўрсатди. Бундай болаларда қизил ранг таъсирида қизил қон таначалари кўпайган, кайфияти яхшиланиб, семира бошлаганлар.

Кўк ранг кўз қон босимини камайтириб, қон томирларидан қоннинг нормал юришини таъминлайди. Буни совет олими профессор С. В. Кравков аниқлади, унинг шогирдлари эса баъзи кўз касалликларини ранг билан даволаш усулини ишлаб чиқдилар. Глукома касалига чалинган кишилар учун ҳозир кўк шишали кўзойнак ишлаб чиқарилади.

Буларнинг ҳаммаси ва бошқа фактлар турли ранг киши организмига, нерв системасига ва аввало кўзга турлича таъсир қилишидан далолат беради.

Кўзимиз жуда мураккаб ва энг такомиллашган оптик асбоб, асосий сезги органларимиздан биридир. Одамлар ҳаёт тажрибасининг 80—90 процентини кўз орқали ўрганишини психологлар аниқлаганлар. Кўзнинг сезгирлиги ҳам ҳайрон қоларлидир. Агар ҳаво мусаффо бўлганда эди, инсон 200 километр узоқда ёнаётган шамни кўриши мумкин бўларди. Кўз бир секундинг минг-дан уч қисми давомида ялтираган ёруғликни сеза олади. Қуёшнинг спектрида кўз бир-биридан фарқ қиладиган 25 минг рангни ажрата олади. Кўзнинг адаптация хусусиятини, яъни ўзгарувчи шароитга мослашишини ҳам айтиб ўтиш керак. Шу хусусият туфайли инсон кундузги ёруғда ҳам. тунги зулматда ҳам йўлдан адашмайди.

Рангни ажрата билиш ҳар бир киши учун энг қимматли хусусиятдир. Бу хусусиятни сақлаш ва ундан тўлароқ фойдаланиш масалалари билан медицинанинг рангни кўриш гигиенаси деган тармоғи шуғулланади.

Баъзи ранглар «кўзни қувонтиради», бошқалари чарчатади. Ўринсиз рангли буёқ меҳнат унумдорлигининг пасайишигагина эмас, жароҳатланишга ҳам олиб келиши мумкин.

«Кўз чарчади» дейишнинг моҳияти нима? Осон бир тажриба буни тушунишга имкон беради. Қип-қизил доиранинг ярмини қора қоғоз билан беркитиб, доиранинг ўртасига 30-40 секунд тикилиб туринг, сўнг қора қоғозни олиб ташласангиз қоғоз билан беркитилган қисми хиралроқ кўринади. Бу билан ранг ўзгармайди, балки кўзнинг рангга сезгирлиги вақтинча камаяди, холос. Буни кўзнинг рангни сезишдан чарчаши дейилади.

Қандай ранг кўзни кўпроқ чарчатади. Маълум бўлишича, сариқ, кўк: оқ рангларга кўз тез ўрганиб қолар, унча чарчамас экан. Қизил ва мовий ранг кўзни тез чарчатар экан.

Бир неча мактабда ўтказилган тажриба ҳам шуни тасдиқлади. Мактабларда оддий арифметика мисоллари ечилди. Лекин бу мисоллар фақат оқ қоғозга эмас, оч қизил: оч кўк қоғозларга ёзилди. Кўк қоғозда мисоллар оқ қоғоздагига нисбатан 21.3 процент кўп ўгри ҳал қилинган, қизил қоғоздаги тўғри ҳал қилинган мисоллар эса 19 процент кам бўлган.

Олимлар томонидан кўп йиллик тажрибада тўпланган маълумотларга асосланиб, профессор Е. Б. Рабкин турли рангларнинг кўзга таъсири графигини тузиб чиқди. Бу график кўз ўрта тўлқинли ранглар — сариқ ва кўк рангларни осон фарқ қилишини кўрсатади.

Тушунарли бўлиши учун айтиб ўтайлик:

Қизил ва тўқ сариқ ранг— узун тўлқинли, оч сариқ ва кўк ранг— ўрта тўлқинли, мовий; зангори, бинафша ранглар қисқа тўлқинли ҳисобланади.

Ранглар ва меҳнат шароити

Буюмларнинг ранги унга тушадиган ёруғликнинг спектрал составига боғлиқ. Буни театр сахналарида яққол кўрасиз. Бу баъзан кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши ҳам мумкин.

Чикаго ресторанларидан бирида ёритиш усулини бирдан ўзгартиришди. Одатдаги лампа ўрнига қизил ва кўк лампа қўйишди. Шундан сўнг овқатлар ранги ҳам ўзгарди, гўшт кулранг; салат қизғиш-хаворанг, сут қизил кўрина бошлади. Одамлар овқатга қўл уришмади.

Ёз — отпускалар даври. Бировлар денгизга, бошқалар тоққа боради; баъзи бировлар эса дарё бўйида ўтириб, қармоқ билан балиқ овлаш энг яхши дам олиш деб ҳисоблайди. Умуман отпуска даврида одам шаҳардан ташқарида бўлгиси келади.

[Давоми 4-бетда].



Дам олиш куни В. И. Ленин комсомоли номидаги кўлда сайр.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

ҚАРАШЛАРНИНГ ТЎҚА БИРЛИГИ

ЧЕТ ЭЛЛАРДА



НЕПАЛ. Катмандуда майда косиблар — пойафзал тозаловчилар, этикдўзлар ва сартарошларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Сартарошлар шаҳар бозорида кулолчилар билан ёнма-ён ўтириб, кишиларга хизмат кўрсатишади.

СУРАТДА: Катмандудаги кўча сартарошлари.

В. ОВЕЧКИН фотоси

ТАСС фотохроникаси.

УЛАН-БАТОР. Монголия матбуоти, радиоси ва телевиденнеси, деб хабар беради Монцамэ агентлиги, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Москвада коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгашида сўзлаган нутқини кенг шарҳлаб, қизғин маъқулламоқда.

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети ва Монголия Халқ Республикаси Ҳукуматининг органи «Унэн» газетаси ва Улан-Батордаги бошқа марказий газеталар Л. И. Брежнев нутқининг тўла текстини босиб чиқардилар. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқи империализмга қарши биргаликда кураш олиб бориш учун жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар.

Улан-Батор радиоси бу нутқнинг тўла текст билан бир қаторда ўз шарҳларини ҳам эшиттирди. Бу шарҳларда бундай дейилади: «Л. И. Брежнев ўз нутқида жаҳондаги вазият ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг туб проблемаларини тўла ва равшан ёритиб берди ҳамда бу проблемаларни ҳал этишнинг конкрет йўлларини кўрсатди».

Радио қуйидагиларни таъкидлайди: ана шу илҳомбахш ва сафарбар қилувчи нутқ В. И. Ленин вужудга келтирган коммунистларнинг улуғ партияси — КПССнинг тарихий роль ўйнаётганлигини, унинг ўз интернационал бурчига содиқ эканлигини ва марксизм-ленинизм асосида коммунистик ҳаракат бирлигини, бутун революцион ҳаракат жипслигини, империализмга қарши тинчлик, демократия ва социализм учун курашда барча антиимпериалистик кучлар жипслигини ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаганлигини исбот қиладн.

Улан-Батор радиосининг шарҳларида КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Хитой раҳбарлари сиёсати натижасида вужудга келган вазият антиимпериалистик фронт бирлиги тўғрисидаги масалага янгилик киритади, деган гапларини алоҳида уқтириб ўтади. Л. И. Брежнев, деб таъкидлайди радио, жипсликка бўлган қатъий иродамизни, бирликка олиб борадиган ишларимиз ва биргаликда қиладиган ҳаракатларимизни коммунистик сафларни заифлаштириш, антиимпериалистик кучларни бир-биридан ажратиб юбориш йўлига қарама-қарши қўя оламиз ва қарама-қарши қўймоғимиз керак, деб уқтириб ўтди.

(ТАСС).

САНТЬЯГО. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Москвада коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгашида сўзлаган нутқи замонамизнинг энг муҳим сиёсий ҳужжатларидан биридир. Бу нутқда ҳозирги даврнинг энг жиддий проблемалари сиёсий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган. Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалан КПСС делегацияси бошлиғининг нутқига ана шундай баҳо берди.

Л. Корвалан Чилида чиқадиган «Сигло» газетасининг Москвадаги мухбири билан қилган ва кеча газетада босиб чиқарилган суҳбатида Л. И. Брежневнинг нутқида империализм системаси ва унинг зиддиятлари илмий асосда таҳлил этилганлигини кўрсатди.

КПСС делегациясининг бошлиғи деб уқтириб ўтди Чили Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари идеология проблемалари юзасидан жуда аниқ ва қатъий фикрларини айтди. У масаланинг мунозара қилинадиган томонларига ҳам тўхталиб ўтди.

(ТАСС).

ПАРИЖ. Парижнинг бугун чиққан газеталари КПСС делегацияси бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Москвада коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашида сўзлаган нутқига жуда катта эътибор бермоқдалар.

«Юманите» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари нутқининг батафсил баёнини «Брежнев: Коммунистларнинг халқаро Кенгаши тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун курашаётган кучларни жипслаштиришга ёрдам беради» деган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди. Газета Л. И. Брежнев халқаро коммунистик ҳаракат проблемаларини, бу ҳаракатнинг мувaффақиятлари ва қийинчиликларини, шунингдек, қийинчиликларни бартараф қилишда ўзининг фикрича зарур бўлган воситаларни кўрсатиб берди, деб қайд қилади. КПСС делегациясининг бошлиғи Хитой Компартияси раҳбарларининг позицияларини ва ҳаракатларини танқидий таҳлил этди. Хитой Компартиясининг IX съезди ленинизмга, советларга қарши бузғунчилик йўлини тасдиқлади ва мустаҳкамлади.

(ТАСС).



МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

Қимиз монгол халқининг шифобахш ичимликларидандир. Бу ерда болаларга ёшликданоқ қимиз ичирилади.

СУРАТДА: чорвадорларнинг фарзандлари яйловда қимиз ичмоқдалар.

СУТ ҚУВУРЛАРИ

БЕРЛИН. (АПН мухбири). Юк ташишнинг энг арзон ва қулай тури бўлган трубопровод ГДР да сут етказиб беришда кенг қўлланилмоқда. Бундай метод биринчи марта бундан тўрт йил илгари Потсдам округида қўлланилган эди. Газеталарнинг хабар беришича, мамлакатда биринчи сут-проводи системасини қуриш иши бошланди. У Элфурт округидаги сут заводларидан бирини хом ашё билан тўла таъминлайдиган бўлади. Бир неча километр масофага чўзилган икки линия ҳозирданоқ ишлаб турибди. Системанинг ҳаммаси октябрь ойида, республиканинг 20 йиллигигача ишга туширилади. Бу трубалар бўйича қайта ишланадиган жойларга йил давомида 8 минг тонна сут етказиб берилади. Бир тонна сутни етказиб бериш нархи одатдаги усулда етказиб беришга қарағанда 24 маркадан 6 маркагача камаяди.

Трубопроводлар бўйича фермалардан заводларгача сут етказиб бериш технологияси Ораниенбургдаги сут илмий-текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган. Бу технологиянинг асосий белгилари қуйидагича: қувурлар бўйича сут кетидан кавак резинкадан қилинган кўп қаватли соққасимон айирувчи жисм, унинг кетидан сув, сўнгра яна резинка соққалар, булар кетидан эса дезинфекция қиладиган эритма ва яна резинка соққалар боради. Бу «қатламлар»нинг ҳаммаси магистрал бўйича сиқилган ҳаво ёрдамида олдинга сурилади.

ГДР даги ер ости сут қувурлари йўлининг умумий узунлиги ҳозирданоқ юз километрга етди.

Е. ДЕНИСОВ.

БОЛТИҚ ЧОРЛАЙДИ

БЕРЛИН. (АПН махсус мухбири). Болтиқ денгизи бўйида навбатдаги курорт мавсуми бошланди. Республика меҳнаткашлари ихтиёрига 1200 га яқин дам олиш уйи, пансионат, палаткали лагерлар, ресторан ва кафеларнинг кенг тармоғи бериб қўйилди. Оммавий дам олиш зонаси Болтиқ денгизи соҳили бўйлаб 256 километрга чўзилган. Бу ерда ГДР нинг бир ярим миллиондан ортиқ граждани ўз отпускасини ўтказади. 4.4 миллион граждан келиб-кетиб дам олади. Ёшлар ўртасида палаткали лагерлар кенг оммалашган. 400 мингдан ортиқ ўнгитқиз ёзги каникул кунларида қирғоқ бўйлаб туристик сафарлар ўтказадилар. Шундай қилиб, денгиз бўйи курортида республика бутун аҳолисининг қарийб 40 процентини бўлади.

РУМИНИЯ КИНОСТУДИЯЛАРИДА

БУХАРЕСТ. (АПН мухбири). Бу йил Руминия киностудиялари 18 та тўла метражли бадиий фильм чиқаради. Бу фильмларни яратишда таниқли режиссёрлар, операторлар, сценаристлар, шунингдек, И. Л. Караджиала номидаги театр санъати ва кинематография институтини тамомлаган талантли ижодий ёшлар қатнашадилар. Республика экранларида ёш авлод ҳаётига бағишланган янгида ишлаб чиқарилган «Кейин афсона туғилди» фильми, тарихий афсона «Мэриука» ва бошқалар муваффақият билан намойиш қилинаяпти. Руминия матбуотининг хабар беришича, бу йил Руминия фильмлари 40 та халқаро фестивалда кўрсатилади.

Ф. АНГЕЛИ.

РАНГЛАР ИҚЛИМИ

(Боши 3-бетда)

Физиологларнинг фикрича, бу табиий интилишдир. Одам чарчаса, бахтиёр бўзи учун қулай ранг бўлган шароитга — қўмкўк ўрмонга, сариқ қумларга мовий сувга интилади.

Одамлар ишлайдиган, яшайдиган шароит ҳам ана шундай қулай бўлиши керак. Бу шароитнинг энг муҳим компонентларидан бири рангдир. Шунинг учун ҳам профессор Рабкин лабораториясида яшаш ва ишлаш жойларини бўяш учун энг қулай ранглар аниқланган. Булар оч сариқ, оч кўк, кўкиш мовий ва тўқ сариқ ранглардир.

Лекин бу рангларни ҳам билиб ишлатиш керак. Масалан, пол, девор, эшик, дераза ромлари бир хил рангга бўялса, кендай хунук манзара ҳосил бўлишини тасаввур қилиш мумкин. Рангнинг бир хил бўлиши ҳам зарарли. Шунинг учун олимлар кўзга ташланиб турадиган деталлар бўлишини тавсия этадилар.

Чунончи бир заводда рассом сариқ деворга ҳаворанг плакат илиб қўйишни тавсия қилди. Бу эса ҳам эстетик, ҳам физиологик жиҳатдан фойдали бўлиб чиқди.

Олимлар ишлаб чиққан стандартлар лойиҳасида деворлар, пол, шифтларни оптимал рангларга бўяш, кичик буюмларни кўзга ташланадиган рангларга бўяш тавсия этилади.

Ранг танлашда буюм ёки бинодан қандай мақсадларда фойдаланилиши ҳисобга олиниши керак.

Масалан, мис трубаларда деталлар ясайдиган станокларни сариқ, қўнғир, қизғиш рангларга бўяш тавсия этилмайди, чунки бундай рангда ишланадиган мис деталл яққол кўзга ташланиб турмайди, ишчи қийналиб қолади. Бундай стенокни яшил, кулранг мовий рангларга бўяш маъқулроқдир.

Мактаб синфхоналарини бўяш учун эса бошқача талаб қўйилади. Бунинг сабаби шуки, болалар рангни катталарга нисбатан бошқачароқ «сезади». Бунинг устига турли ёшдаги болалар турли рангни яхши кўради. Белорус олимлари 7 яшардан 15 яшаргача бўлган уч мингдан ортиқ боладан сўраб шуни аниқладиларки, ёш болалар қизил, пушти, сариқ ранларни яхши кўрар экан-лар. бинобарин илиқ рангларда ўзларини яхши ҳис этадилар. Ўсмирларнинг 70 процен-ти эса мовий рангни афзал биларкан. Шу сабабли қуйи синфларни сариқ, пушти рангга, ўсмирлар ўқийдиган хоналарни совуқроқ ранг —мовий рангга бўяш тавсия этилди.

Ақлий ва жисмоний меҳнат қилинадиган бинолар-да деворларни кўкиш ҳаворанг, ҳаворанг бўёқлар билан бўяш тавсия этилади. Бу кўзнинг толиқишини камайтириб, кишини хотиржам қилади. Бу иссиқ цехларга ҳам тааллуқлидир. Аммо бунинг сабаби бошқа.

Масалан, дазмоллаш цехида иссиққа қарши қандай чора кўриш мумкин? Ҳароратни пасайтириш мумкин эмас: совуқ дазмол билан кийим дазмоллаб бўлмайди. Бу ўринда бўёқ ёрдам берди. Цех деворлари мовий рангга бўялгач, хонада ҳарорат қиттак камаймаган ҳолда бу ерда ишловчилар ҳаво анча салкин бўлиб қолди, дейишган.

Спорт заллари, клублар, кафелар, ошхоналарни ёркин, қувноқ рангларга бўяш маъқул. Лекин меъёрини билиш керак. Чет эллик бир корчалон одамлар кўпроқ овқат есин, оборот кўпайсин деб, кафесини қизил рангга бўяди. Аммо ҳаяжони ошган хўрандалар кўпроқ жанжал қиладиган бўлиб, кафе зарар келтирди.

Ранглар шундай танланиши керакки, улар кишининг иш қобилиятига: кайфиятига яхши таъсир қилсин. Масалан, ГДРдаги баъзи корхоналарда иш жойларини тўғри рангини топиб бўяш меҳнат унумдорлигини 25 процент оширди, вақтнинг унумсиз сарфланишини 32 процент камайтирди.

Илмий текшириш институтларида ҳозир олим лар томонидан ишлаб чиқилаётган ранг стандартлари системаси халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида қулай ранглар иқлимини яратиш имконини беради, бинобарин иш шароитини яхшилайди, меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот сифатини яхшилайди; демак мамлакатимизда техника тараққиётини тезлатишга ёрдам беради.



«Буратино» қаҳвахонасида.

В. Исаков фотоси.



Ўғил догида куйиб юрган ота бешта қиз кўрганига номус қилибди. Энди нима деган одам бўлдим, ошна-оғайнимнинг юзига қандоқ қарайман, деган андиша билан бошини олиб, бошқа юртларга кетибди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин уйига қайтиб, иккинчи хотинига ҳам талоқ берибди.

Ҳикмат бу тафсилотларни бошқалардан эшитган экан. Менга ҳам шу эшитганларини гапириб берди.

Ўғил кўришни ният қилиб олган бу одам энди бева бир хотинга, уйланибди. Бева учта ўғил кўрган экан, шунинг учун ўғил туғишнинг қонун-қоидасини билса керак, деб ўйлабди.

Карнай-сурнай билан тўй қилишибди. Эр яна бир исмни танлаб, орзу-умид билан хотинини туғруқхонага кузатиб қўйибди. Бу гал ҳам ошна-оғайниларига катта ўтириш қилиб берибди. Дам-бадам дастурхон тепасидан туриб, туғруқхонага телефон қоқармиш. Хуллас, ярим кечага борганда натижа маълум бўлибди. Қовоқ-тумшуги осилибди-ю, лекин сирни бой бермабди. Меҳмонлар.

— Ҳа, қалай, ўғилми-қолва? — деб сўрашган экан.

— Эркакнинг хўрозига хўроз муносиб-да, ҳа! — дебди ке-рилиб. Аммо бояқишнинг ичига чироғ ёқса ёрмасди ўшанда.

Дугонам Ҳикмат шу зайлда дунёга келган экан.

Олтинчисига ҳам қиз кўрган шўрлик ота ноилож кейингисидан умид қилишга мажбур бўлибди. Пешонаси шўр эканми, яна умиди пучга чиқибди — қиз кўришибди. Шундан кейин анча вақт хотини туғмай юрибди. Эри энди бўлди, қўяман, деб юрганида хотини яна оғир оёқ бўлибди.

— Яна қиз туғадиган бўлсанг, ўшанақаси кетавер, уйга қайтиб келма! — деб пўписа қилибди эри уни туғруқхонага элтиб.

Ҳикматнинг онаси ҳам «Илоҳим ўғил бўлсин» деб кўп зорланибди-ю, аммо дуоси ижобат бўлмабди. Яна қизмиш. Бунисига Суад деган исмни танлаб қўйишган экан. Суад бўлса Суад-да! Ўғил болагаям, қиз болагаям бўлаверади бу исм.

Ҳикматнинг онаси туғруқхонани бош ҳамширасига ёнғламоқдан бери бўлиб аҳволини тушунтирибди. Мабодо эрим телефон қилиб қолса, қизлигини айтманг, деб илинибди.

— Суюнчини чўзаверинг, ўғилмиш бўлдингиз, — дебди бош ҳамшира ҳам отани қутлаб.

Боши осмонга етган ота юрагини қўлтиқлаб туғруқхонага югуribди.

— Қани, қани, азамат ўғлимни бир кўрай! — деб туриб олган экан, йўргакланган чақалоқни кўрсатишибди.

— Уч ойгача уйимиз гўёхонага ўхшаб тўлиб турди, — ҳикоясини давом эттирди Ҳикмат. — Дадам ҳамиша чақалоқни «Валиахдим», «шаҳзодам» деб чақирарди. Шаҳзоданинг онаси маликага кунига ҳар хил совға-саломлар келарди. Биз ҳам эркин нафас ола бошладик. Қиз бўлиб туғилганимизни дадам энди юзимизга солмасди. Дадамиз Суадни яланғоч ҳолда кўриб қолмасин, деб ҳаммамиз ўлиб қутилардик. Дадам келгунча ойим чақалоқни ювиб-тараб, тагини алмаштириб қўярди. Дадам бор пайтларда Суадни чўмилтирмасдик! Бир кунмас-бир кун сир ошкор бўлиши аниқ эди-ку, лекин биз ўша машъум кунни нариоқ суришга қўлдан келганча ҳаракат қилардик. Унгача дадамиз анча ҳовуридан тушиб қолар, деб ўйлардик.

Дадам ширакайф бўлиб келган кунлари «Ҳаммаларинг ўғлимдан айланиб-ўргулларинг» деб қоларди. Кейин шаҳзодани бир чўмилтираман, деб оёғини тираб туриб олар, ойим эса қўйинг ҳозир, ўзи сал шамоллаб турибди, деб уни зўрға шаштидан қайтарарди. Эҳ, бундан икки кун олдин уйимизда қиёмат қойим бўлди... Ҳаммамиз ухлаб ётган эдик, бирдан шовқин кўтарилди. Уйғониб кетдик. Дадам овозининг борича, бақирар, ойим эса ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Кечаси дадам нима бўлиб ҳам Суад ўғил бола эмаслигини билиб қолибди. Роса тўполон қилди. Чақалоқни оёғидан даст кўтариб олган, ҳадеб: «Мени алдабсанлар... Ўғилларинг шуми ҳали?» деб бўкирарди. Суад бечора биғ-биғ йиғлайди.

Охири дадам чақалоқни ойимга қараб ирғитиб юборди.

— Йўқолларинг кўзимдан! Мени роса чув туширибсанлар... Эссиз-эссиз кетган пулларим... Жўналарингга уйимдан!

Дадам бизни уйдан ҳайдаб чиқарди. Қўшнимизникида тунни ўтказдик.

Ҳикмат ҳўнграб йиғлаб юборди. Дадаси билан ойиси энди ажралишармиш.

Кетма-кет саккизта қиз кўрган одамга олдинига кулдим, кейин Ҳикматга қўшилиб, мен ҳам йиғлаб олдим.

Ўша куни мактабдан қайтгач, ойимни сўроққа тутдим.

— Ойим, опам туғилганида дадам ҳурсанд бўлганмилар?

— Ҳа, албатта.

— Мен туғилганимда чи? Ундаямми?

Ойим жеркиб берди:

— Кўп вайсама! Бор, ишингни қил!

Мен ойимни ўз ҳолига қўймадим.

— Айта қолинг, ойижон, дадам мени эшитиб, ҳафа бўлганларми-йўқми?

— Буниси ўғил бўлади, деб ўйлаган эди.

— Метин туғилганида роса суюнган бўлсалар керак-а?

— Ҳа, ўзини қўярга жой тополмай қолган. Ўртоқларини чақириб, катта ўтириш қилиб берган.

— Бордию, Метиннинг ўрнига яна қиз кўрганингизда нима бўларди, ойи?

— Қайдам.

— Дадам ўғил бўлсин, деб туриб олармидилар?

— Ким билади дейсан... Эҳтимол шундайдир. Хўш, намуна суриштириб қолдинг буни?

— Ўзим, шундоқ.

Томоғимга бир нима қадалгандай бўлди. Ташқари чиқиб кетдим.

Ҳикматнинг бошидан ўтган воқеа мени жуда ўйлантириб қўйди. Ушандан бери бир фикр менга тинчлик бермайди.

(Давоми бор.)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

Реклама ва эълонлар

РАДИО

13 ИЮНЬ
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Илмий-атеистик темаларда эшиттириш (ўзбекча). **18.10** Республика композиторларининг романслари. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ўзбекистон индустриалний» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт (русча). **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Дала меҳнаткашлари учун концерт. **21.30** Сиёсий билимлар радиоуниверситети (ўзбекча). **22.20** И. Акбаров. «Гўёна» вокал сюитаси.

22.40 В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча). **23.15** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Классик шоирлар ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. **19.30** Ф. Пуленк. «Одобли жониворлар» балетидан сюита. **20.00** Сиз ёқтирган қўшиқлар (тожикча). **20.30** Ўзбекистон композиторларининг хор асарлари. **20.50** «Ҳам давлатга, ҳам колхозга қулай» деган эшиттириш (русча). **21.00** Жаҳон шоирлари Ленин ва Октябрь ҳақида. Янги таржималар (ўзбекча). **21.40** Москва.

14 ИЮНЬ
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Шаҳарлар ҳақида қўшиқлар. **8.25** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси солистларининг концерти. **9.30** Рубобда чалинадиган куйлар. **10.30** «Гулсара» операсидан парчалар. **11.15** «Гулшан» радиожурнали. **12.15** Халқ талантлари концерти. **13.30** Радио эшитувчиларнинг хатлари асосида концерт (русча). **15.10** «Правда» газетасининг обзори. **15.20** «Саломалайкум» радиожурнали (русча). **16.10** Эстрада концерти (ўзбекча). **17.20** Уйғур кўлари. **17.50** «Партия ходими минбари». Қашқадарё область партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири Н. Усмоновнинг «Меҳнаткашларни пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш» деган сўзи (ўзбекча).

18.00 Экран кўйлари (ўзбекча). **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Музикали салом. **20.00** «ЛЕНИННОМА» программаси (ўзбекча). **20.40** Омавий қўшиқлар (ўзбекча). **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» деган эшиттириш (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** «Шанба оқшомида» деган концерт. **23.10** Ўзбек давлат филармонияси солистлари ва халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Таниқли ижрочилар концерти. **9.15** Спорт эшиттириши (русча).

19.00 Ҳажвий ҳикоялар. **19.30** «Шеърият дафтари» (русча). **20.00** «Шашмақом» дан парчалар. **20.30** Озарбайжон куйлари. **20.50** «Лабораторияларга саёҳат» (русча). **21.00** Куйлаймиз, рақсга тушамиз (русча). **21.40** Медицина ходимлари кунига бағишланган эшиттириш ва концерт (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 К. Целлер. «Кончи Мартин» опереттасининг монтажи. **16.00** «Олтинқўл» музикали драмасининг монтажи.

ТЕЛЕВИЗОР

13 ИЮНЬ
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. **18.45** Ўсмирлар учун. «Моҳир қўллар». **19.20** Халқ контроли экрани. **19.50** «Даврон ва дўстлари». Бадиий фильм (ўзбек тилида). **21.10** СССР халқ артисткаси Галия Измайлова ижодий портрети.

Узбек тилида: 22.10 Телевизион янгиликлар. **22.25** «Ўзбекистон чорвадорлари» программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Телевизион янгиликлар. **20.10** Адабий театр. **21.00** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Колокольчик» театри. **21.30** «Физкультура ва спорт» тележурнали. **22.30** Россия Федерацияси бадиий ҳаваскорларининг концерти. **23.30** Янгиликлар эстафетаси. **00.15** Г. Даниэль. «Ўлим арслон иши». Телеспектакль премьераси. **01.45** Грузия рақс ансамблининг концерти. **02.45** Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги. **03.00** Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. **03.15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран — болаларга. **18.10** Янгиликлар. **18.20** Реклама ва эълонлар. **18.30** «Трест операцияси». Телевизион фильмнинг 3-серияси. **20.00** Кўрсатувлар программаси.

Қирғиз тилида: 20.05 Болалар учун. «Тоғдаги лагерь». **20.20** Янгиликлар. **20.30** Ильичга рапорт берамиз. **21.40** Телеочерк. **21.50** Вақт, воқеалар, хроника. **22.00** «30Я». Бадиий фильм.

14 ИЮНЬ
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида: 10.00 Самарқанд область бадиий ҳаваскорларининг концерти. **10.45** «Кокановкалик артист». Кинокомедия.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун. **12.45** Телевизион янгиликлар. **13.00** «Бахтли бўлинг». Дам олиш программаси. **13.30** «Стандартлаштириш ва прогресс». Тележурнал. **14.00** «Объектив». Кино ва фотоҳаваскорлар телевизион клуби. **15.00** Интервидение. «Билим». Илмий-оммабоп программа.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 17.00 Телевизион янгиликлар. **17.15** «Эчкича». Болалар учун мультфильм.

Узбек тилида: 17.25 Қўғирчоқ телевизион театри. **17.55** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». **18.50** Телевизион янгиликлар. **19.05** Эстрада шинавандалари, сизлар учун. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Рангли телевидение программаси. **21.30** Телевизион янгиликлар. **21.45** Интервидение. Ўсмирлар учун эшиттириш. **22.45** Бадиий фильм. **00.15** Телевизион янгиликлар. **00.30** «Рус қайини». Музикали программа. **01.30** Ленинизм — замонамиз байроғи. **02.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

15.30 Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. Москва ёш томошабинлар театрининг спектакли. **17.00** Эфирда «Молодость».

18.00 Телевизион янгиликлар. **18.30** Эфирда «Молодость». **19.30** «Пратувчилар» деган эшиттириш.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғлом танда — соғ ақл» **20.40** «Ўғай она». Бадиий фильм. **22.05** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси уйғур ансамблининг концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран — болаларга **19.00** Янгиликлар. **19.15** Музикали экран.

Тожик тилида: 20.00 Эфирда — «Молодость». **20.30** Концерт. **21.20** Дўстлик карвони. **22.20** Янгиликлар. **22.35** «Аршин мол-дон». Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14|VI да **Улимдан кучли**, 15|VI да **Қонли сароб**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14|VI да **Ажаб савдолар** (қишки бинода), 15|VI да **Ажаб савдолар** (қишки бинода).

Кино

13 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Данийлар — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли «МОСКВА» кеч 7 да.

Уруш—уруш-да — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч 8 да).

Ҳаводаги саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Бир юз биринчи сенатор — «ВОСТОК» (кечқурун).

Рошфорлик қизлар — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7 ярим, 9 яримда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади).

Данийлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уруш— уруш-да — «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли.

14 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Данийлар — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 9.45, 11.30 ва кундуз соат 1 яримда), «МОСКВА», (эрталаб 11.40, кундуз соат 3 ва кеч 7 да).

Уруш-уруш-да — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 4 ва кеч 8да).

Ҳаводаги саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Рошфорлик қизлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3.30, 5.30, кеч 7.30 ва 9 яримда).

Маҳтумқули — «МОСКВА» (эрталаб 1, кундуз соат 1.20 ва 5 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Уруш-уруш-да — «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли.

Данийлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

23 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси химия-технология ва биология фанлари бўлимларининг бирлашган илмий совети кенгаши (Куйбишев кўчаси, 14 уй)да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Л. П. Шевчук: «Ғўза дурагайларининг турлараро морфобиологиясини ўрганиш» деган темада;

Р. Р. Раҳимбоев: «Ҳар хил эколого-географик ғўзаларни чатиштирилганда дурагайлардаги ўзгарувчанлик ва ўсиш шароити» деган темада

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

24 июнь кундуз соат 3 да Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлимларининг бирлашган илмий совети кенгаши (Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг конференц-зали Гоголь 70 уй) да иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

А. Улмасов: «Ўзбекистонда социалистик экономиканинг яратилиши» деган темада

Диссертация билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй). да танишиш мумкин

24 июнь кундуз соат 2 да Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг илмий совети кенгашида техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Н. Кабанов: «ХТ—1,2 типидаги пахта териш машиналарининг рамаларини тиклашдаги технологик процессни рационал асослари» деган темада

Диссертация билан институт кутубхонаси (Уқитувчилар кўчаси, 39 уй), да танишиш мумкин.

25 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Тарих ва археология Институтининг конференц-залида тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Ф. Ғаффоров: «Россиянинг Кўқон хонлиги билан XIX асрнинг биринчи ярими ва 80—70 йилларидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалари» деган темада

Р. Файзуллаев: «Ўзбекистон меҳнаткашларининг етти йиллиқда (1959—1965) қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун кураши (Бухоро ва Сурхондарё область материаллари мисолида) деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

13—14 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳ. ҒУЛОМ асари.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. ЛЕВИЕВ музикаси.

«АЖАБ САВДОЛАР»

3 пардали музикали комедия.

Постановчи режиссёр — СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти лауреати Р. ҲАМРОЕВ, режиссёр — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Р. ШОКИРОВ дирижёрлар — Н. ХАЛИЛОВ, Э. ТОШМАТОВ, рассом — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ

Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.

Хормейстер — А. ХОДИМОВ. Концертмейстерлар М. ФУРМАН, А. МАЛИНА.

режиссёр ассистенти — Р. МУҲИТДИНОВА.

Спектакл кеч соат 8 яримда бошланади.

Бутиниттифоқ илмий-текшириш ва лойиҳа-конструкторлик институтининг автоматик электропривод бўйича

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА

группа бошлиқлари, инженер-конструкторлар, «ЭРА» аппаратида ишлаш учун операторлар, бухгалтер

КЕРАК

Меҳнат ҳақи бутиниттифоқ биринчи категорияси бўйича.

Мурожаат учун ардес: Тошкент-105. Манзара кўчаси 135 уй (5 трамвай, 7, 12, 22, 55 автобусларнинг «Қора сув» бекати). Телефонлар 1-11-26-04 ёки коммутатор 1-10-27 қўшимча 3-25.

«ТАШСТРОЙОБОРУДОВАНИЕ» МАХСУСЛАШТИРИЛГАН СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИГА

Тошкент шаҳрида ва Ўрта Осиё республикаларида ишлаш учун вентиляцияни созлаш ва монтажи бўйича **тех. никлар, инженерлар, катта инженерлар, электр пайвандчилар, слесарь-монтажчилар ва ҳамма разрядли тунумасозлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 9 Январь кўчаси, 16 уй (12, 69 автобусларнинг «Мутахассислар уйи» бекати).

Ю. В. ЭВАНГЕЛПУЛОСНИНГ **диссертация ёқлаши**

(«Тошкент оқшоми» 31 май сонига қаралсин).

КУЧИРИЛАДИ

Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими, 1-болалар касалхонаси коллективи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач

Иқбол Бобохоновна МУБОРАКОВАНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 13 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташментского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар кўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57 саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари — 33-27-03 ахборот бўлими — 33-65-57; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2776 Р. 06561 Индекс 64579